

(1831, Кўкон – 1884, Каррух, Афғонистон)

(1845-1858; 1862-1863; 1865-1875)

Минглар сулоласига мансуб бўлган Кўкон хони (1845-1875- танаффуслар билан). Шералихоннинг ўгли. Кайнотаси Муслмонкул томонидан тахтга ўтказилган. Аммо ёш бўлганлиги туфайли амалда давлат ишларини Муслмонкул бошқариб борган. Энг муҳим лавозимлар кипчоклар кўлига ўтади ва улар хоҳлаганича бебошликлар қила бошлаганлар. Натижада ички қурш қучайиб, 1853-йилда кипчоклар киргини бошланган. Бунинг оқибатида 20 мингга яқин кипчоклар ўлдирилган, Муслмонкул эса Кўконда дорга осилган. Шу йилдан Худоёрхон давлатни мустақил идора қила бошлаган. Аммо, тажрибасизлиги туфайли кўп хатоларга йўл қўйган. Бундан фойдаланган акаси Маллабек тахт учун қурашни бошлаб юбориб 1858-йилда ўзини Кўкон хони деб эълон қилган. Худоёрхон Бухорога қочишга мажбур бўлган. 1863-йилда Бухоро амири Музаффар ёрдамида Кўкон тахтига қайта ўтирган. Аммо Муслмонкулнинг ўгли мингбоши алимкул хонзодалардан бўлмиш ёш Саид Султонмуродни хон деб эълон қилади ва Худоёрхонни яна Бухорога қочишга мажбур этган. Алимкул амир ул-умаро бўлиб амалда давлат ишларини яқка ўзи бошқариб борган.

Кўкон хонлигидаги ички қурашлардан фойдаланган Россия империяси хонликка тегишли Туркистон, Чимкент (1864-й) ва Тошкентни (1865-й.) босиб олган. 1865-йилда Кўкон тахтига Худойкул («Белбоқчиҳон» деган лақаби ҳам мавжуд) ўтирган. Аммо у 14 кундан сўнг хазинани ўзи билан олиб Қашқарга қочиб кетган. Бундан фойдаланган Худоёрхон яна тахтга чиққан.

Худоёрхон даврида қишлоқ хўжалигига эътибор берилган, янги анхор ва ариқлар қазилган. Кўконда 1873-йилда хон ўрдаси битказилиб ниҳоясига етказилган. Бундан ташқари, Худоёрхон даврида «Мадрасаи Олий», «Мадрасаи Ҳоким ойим», «Мадрасаи Султон Муродбек»лар қурилган. Худоёрхоннинг фармони билан махзун (Зиёвуддин Хўқандий) 1696 саҳифалик «Шохнома» асарини ёзган (кўлёзма Истамбулда сақланмоқда). Худоёрхон даврида хонлик ҳудуди анча қисқариб, турли солиқлар ўйлаб чиқилган. Бунинг устига 1868-йилги Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман билан тузилган «тенг ҳуқуқли» шартномага мувофиқ, рус савдогарларига хонликнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида бўлиш ва қарвонсаройлар қуриш, рус товарларини хонлик ҳудуди орқали бошқа давлатларга бож тўламасдан бемалол олиб ўтиш ҳуқуқи берилган; рус савдогарлари кўконлик савдогарлар билан бир миқдорда бож тўлайдиган бўлган. Худоёрхон Туркия ва Бухоро билан яхши алоқага бўлишга, англия эмиссарлари билан учрашиб, улардан мадад олишга интиланган. Аммо, юзага келган сиёсий вазият туфайли у К.П. Кауфман билан кўпроқ яқинлашишга мажбур бўлган.

Тахт учун қурашлар, ўзаро урушлар, солиқларнинг кўпайиб кетиши аҳоли турмушини оғирлаштирган. Натижада хонликда тез-тез кўзғолонлар бўлиб турган. Шулардан энг каттаси 1873-йилда бошланган «Пўлатхон кўзғолони» бўлган. Кўзғолонни бостиришнинг иложини топа олмаган Худоёрхон, барча хазинани олиб К.П.Кауфмандан ҳарбий ёрдам олиш учун Тошкентга қочган, сўнгра Оренбургга сургун қилинган. У бу ердан қочиб Маккага борган. Кейинчалик, Кўкон хонлигининг қолган ҳудудларини ҳам Россия босиб

олганидан сўнг, Худоёрхон К.П. Кауфманга расман мурожат килиб сиёсий ишларга аралашмасликни ваъда килиб Кўконга кайтишга рухсат сўраган, аммо рад жавобини олган. Худоёрхон иккинчи марта мурожат килган. Бу ариза сенатда кўриб чикилиб Худоёрхонга Кўконга кайтишга рухсат берилган. Аммо бундан хабарсиз Худоёрхон яширин холда Кўконга кайтмокчи бўлган. Йўлда вафот этган.